

## МУНИДДИН НАТАНЗИЙНИНГ “МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХИ МУИНИЙ” АСАРИ АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

**А.Раҳматуллаева**

Темурийлар тарихи давлат музейи  
катта илмий ходими, т.ф.н., доц.

Амир Темур ҳақидаги ўрта асрларга оид кўплаб ёзма манбалар ўзбек тилидан ташқари Европа ва рус тилларида босилиб чиққан. Маълумки, Ўзбекистонда ёзма манбаларнинг рус ва ўзбек тилларига таржималари 1960 йиллар охирларига келиб амалга оширила бошланган. Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний” асарининг рус ва ўзбек тилига таржимаси кеч таржима қилингани боис, аксарият тадқиқотларда асардан фойдаланилмаган. Б.Аҳмедов, В.В.Бартольд тадқиқотларида “Аноним Искандера”<sup>1</sup> номи билан иқтибослар берилган.

“Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний” хорижий тилларга ҳам тўлиқ таржима қилинмаган. Ғ.Каримнинг асосли таъкидлашича, асарнинг хорижий мамлакатларда фақат форс тилидаги асли нашр этилган холос. Тадқиқотчи бу борада мустақиллик йилларидаги айрим фундаментал нашрлардаги асарни хорижий тилларга таржимаси амалга оширилган деб ёзилган хатоликларни кўрсатиб, асарнинг шу давргача ҳеч қайси тилга таржимаси амалга оширилмаганини асосли кўрсатган<sup>2</sup>.

Муиниддин Натанзийнинг ўзи, ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жуда оз.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Определение “Аноноима Искандера” // Соч. Т. 8. – М., 1973. – С. 4881-482.

<sup>2</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут – тавориҳи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси) / Муиниддин Натанзий; форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муалифи Ғ.Каримий; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 40.

Муаррих ўз асарини 1413 йили ҳукмдор Мирзо Искандар ибн Мирзо Умаршайхга бағишлаган. Асар умумий тарих, Чигатой улуси тарихи, Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларининг энг қадимги даврлардан то Амир Темур вафотигача (1405 йил 18 февраль) бўлган тарихи тавсифидан иборат. Асар 1957 йили Эронда Ж.Обен тарафидан форс тилида чоп этилган. Ундан айрим парчаларнинг асл матни В.Тизенгаузен ва Л.Зимин томонидан эълон қилинган. Унинг қўлёзма нусхалари Россия, Англия, Франция, Эрон кутубхоналарида мавжуд. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида асар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида алоҳида илмий тадқиқот мавзуи сифатида Ғ.Каримов ўрганган бўлиб, ушбу олим томонидан муаррих, унинг асари тўғрисида, таржима қилинган лавҳалар <sup>1</sup>, жумладан, Соҳибқироннинг салтанат тахтига чиқишигача ва ундан сўнг рўй берган воқеалар баёни таржималари тўпламларда, кейинроқ “Жаҳон адабиёти” журналида босилиб чиқди<sup>2</sup>. Ушбу манбанинг илмий муомалага кейинроқ, яъни 2011 йилларда киритилиши боис, улардаги маълумотлар тадқиқотларда деярли акс этмаган. Дастлаб биз диссертацияга кенг жалб қилдик<sup>3</sup>. Асарни “Чигатойлар шажараси” қисми рус тилига А.Зиёев томонидан таржима қилинган<sup>4</sup>.

Асарда бошқа манбаларда учрамайдиган илмий асосланган нодир маълумотларнинг борлиги унинг мустақил асосий тарихий манба сифатидаги аҳамиятини янада оширади.

“Мунтахаб ут-таворихи Муиний” асаридаги бошқа манбаларда учрамайдиган жиҳатлар қуйидагилардир:

<sup>1</sup>Муъиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворих / Ғулом Карим таржимаси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. № 3. – Б. 14-17.

<sup>2</sup>Муъиниддин Натанзий. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар (Мунтахаб ут-таворихи Муиний) / Форсчадан Ғ. Карим таржимаси. Муҳаммад Али сўзбошиси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2006. № 3. – Б. 3-52; 2006. № 4. – Б. 3-42.

<sup>3</sup>Раҳматуллаева А.Р. Ўзбекистонда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихшунослиги (1991-2009). Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: ЎзРФА Тарих институти, 2010. – Б. 60.

<sup>4</sup>Муъин ад-Дин Натанзи. “Мунтахаб ат-таварих”. Избранная история Муъини / Перевод А.Зияева // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003. – Б. 102-136.

Асарда Амир Темурнинг ёшлиги кечган давр, яъни XIV асрнинг 40-50 – йиллари, 1360-1370 йиллар сиёсий воқеалари бошқа манбаларга қараганда муфассал, тарихий воқеаларнинг асл сабаблари асосида ёритилган. Уларда “Мовароуннаҳрда исён кўтарган амирлар табақаси”, “Амир Қазағон зикри”, “Амирзода Абдулланинг тахтга чиқиши”, “Амир Баён Сулдуз зикри” баёни, яъни Мовароуннаҳрда Амир Темурнинг тахтга келгунига қадар воқеалари содда, шеърӣй безакларсиз тушунарли ёритилган.

Муаррих маҳаллий амир Қазағоннинг ўн икки йил давомида Мовароуннаҳрни адолатли бошқаргани, шу давр мобайнида чингизий Дошманчани, Баёнқулини номига хон этиб тайинлаган бўлсада ўзи мустақил ҳукмдор сифатида Мовароуннаҳрни бошқариши, яъни юртда мўғулларга қарши курашиб, бошқарувни ўз қўлига олиши ҳақида таржимон Ғ.Каримнинг “*кичикроқ бўлсада Темурона ишлар*” деб баҳолаганига қўшилиш мумкин.<sup>1</sup> Бу бошқарувда муҳим сиёсий тарихий воқеликлардан яна бири, бу амирлар ҳукмронлиги чоғида тахтга чингизийлардан номигагина хон тайинлаш масалалари ҳисобланади. Амир Қазағон ғалаба қозонгач, чингизий Ўқтой хон наслидан бўлган Донишмандчани тахтга қўйди, аммо Амир Қазағон бир оз вақт ўтгач, Донишмандчага Ўқтой наслидан деган айбни қўйиб, уни шаҳид қилади ва Чигатой наслидан бўлган Баёнқулини (13488-1358) хонлик тахтига қўяди. Шу тариқа Мовароуннаҳрда фитначи одамларнинг қаршилигини синдириш мақсадида амирлар томонидан тахтга номигагина *қўғирчоқ хонларни* қўйган. Демак, амир Қазағон тахтга чингизийлардан Донишмандчaxonни ўтқазгач, шу воқедан бошлаб Чигатой улусида салтанат амирлар ихтиёрига ўтган ва давлатда амирлар бошқаруви чоғида номига хон тайинлаш анъанаси Амир Темургача ҳам бўлган, соҳибқирон томонидан ушбу анъана давом эттирилган.

Муиниддин Натанзий бу иттифоқлик ҳақида шундай ёзади: “Бу икки улуғ зотнинг иттифоқи муждаси ва Қазағоннинг адолати туфайли мулки миллат ишлари шу даражада мустаҳкам ва устувор бўлдики, бўри билан қўй бир

<sup>1</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут – таворихи Муиний. - Б. 25.

булоқдан сув ичиб, дарвиш кулбаси бехатарлигидан нажот уйига айланди”<sup>1</sup>. Муиниддин Натанзийнинг Амир Қазағон давридаги давлат бошқаруви ҳақида ҳам маълумотлар қизиқарлидир. Хусусан, дастлабки амир даврида зулмнинг йўқолиб, авом халқнинг аҳволи яхшилангани, улардан қабчур (чорва солиғи)дан бошқа бир динор ҳам олинмагани, шамолдан бошқа бирон нарса одамларнинг уйларига ижозатсиз кирмагани каби ўхшатишлар ёритилган<sup>2</sup>. Аммо амир Қазағон овга чиққанида Қутлуғтемур номли бир мўғул пистирмадан туриб ўлдирган.

Натанзий маълумотига кўра, амир Қазағоннинг ўғли амир Абдулла Чигатой наслидан бўлган Баёнқулихонни сабабсиз ўлдиртирди, отаси ўрнатган тартибларга амал қилмади. Натижада у юритаётган сиёсатга қарши амирлар Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлослар биргаликда исён кўтариб, Абдуллани қатл қилдилар. Унинг наслидан ким қўлга тушса, барчасини ўлдирдилар. Тахтга эса анъанага кўра чингизий Йасун Темурхоннинг ўғли Темуршоҳ ўғлонни (1358 – 1359) хон қилиб кўтардилар. Айни пайтда, бу масала яъни амирлар Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлос юритган сиёсат тарихчилар эътиборидан четда қолган. Амир Баён Сулдуз эса Мовароуннаҳр тахтига ўтиради. У давлат ишида беғам ва бепарво бўлиб, умрини шаробхўрлик билан ўтказарди<sup>3</sup>. Амирлар якка ҳукмронлик учун курашда бир мунча устунликка эга бўлсаларда, лекин бошқарувда заифлик қилганлар ва натижада сиёсий вазият анча қийинлашишига олиб келди.

Натанзий Амир Темурнинг тахтга интилмаганини тушунарли ёритган. Бу пайтда юқорида таъкидланганидек, амир Абдулла шаҳид қилинган, ушбу хонадонга мансуб вакилларни қириб ташлангани, амир Қазағоннинг набираси амир Ҳусайн қочқинда пайти Амир Темур уни излаб топиб, Мовароуннаҳрни чингизийлардан тозалаш мақсадида излаб топиб, у билан иттифоқдош бўлиб

<sup>1</sup> Натанзий Муиниддин. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар (Мунтахаб ут-таворихи Муиний) / Форсчадан Ғ. Карим таржимаси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2006. № 3. – Б. 3.

<sup>2</sup> Натанзий Муиниддин. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар. – Б. 4.

<sup>3</sup> Натанзий Муиниддин. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар. – Б. 5.

ҳаракат қилишга ундагани тавсилотлари диққатга сазовордир. Ушбу маълумот кўпгина баҳсли масалаларга ойдинлик киритади.

Айнан шу масала яъни Амир Темурнинг тахтга интилмаганлиги масаласи муҳим бўлиб, бу турли баҳсларга сабаб бўлган. Бу ҳақда аксарият тарихчилар амирлар ўртасидаги муносабатларни ўрганар эканлар, амир Ҳусайннинг ҳалокатига сабаб, унинг шахсидаги салбий жиҳатлар эди, деб қисқа умумий тавсиф бериш билан чекланганлари, унинг тахтга қонуний келиши кераклиги масаласини кўндаланг қўяди.

Д.Абиджанова айрим хорижий тарихчилар 1360 – 1370 йилларда Мовароуннахр сиёсий ҳаётида кечган воқеликларга ноҳолис фикр билдирганини танқид қилади ва бунга мисоли тариқасида, Р. Груссенинг Амир Темурни мўғул хонларига сотқинликда ва амир Ҳусайнга нисбатан адолатсизликда, иккиюзламачиликдаги айбловларига ҳамда “Шарқ иккиюзламачилигининг камёб комедияси”, деган ноҳолис баҳосига асосли қатъий эътирозларини билдиради<sup>1</sup>.

Муниддин Натанзийгина ягона муаррих сифатида Самарқанддаги сабардорлар ҳаракатини ўзига хос услубда “*ватанпарварлар*” деб баҳолаб, уларнинг фаолияти ҳақида бошқа манбаларга қараганда анча батафсил ва мустақил, ўзига хос услубдаги маълумотларни фактлар асосида келтирган. Бошқа тарихчилар хусусан, Низомиддин Шомий сарбадорларни “безорилар”<sup>2</sup>, Ибн Арабшоҳ “шутторлар”, “таловчилар”, “бузуқилар”, “қароқчилар”<sup>3</sup> деган салбий фикрни билдирса, Шарафиддин Али Яздий: “Эй худо, гадо мўътабар бўлиб қолишидан сақлагин!”<sup>4</sup> - деб, уларни салбий изоҳлаганлар. Муниддин Натанзий<sup>5</sup> улардан фарқли ўлароқ, асарнинг “Самарқанд сарбадорлари қиссаси” номли қисмида сарбадорларни ватанпарварлар сифатида тасвирланган ва

<sup>1</sup> Абиджанова Д. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60 – 90-х годов XX в.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2001. – С. 59.

<sup>2</sup> Шомий. Зафарнома. – Б. 50–51.

<sup>3</sup> Арабшоҳ Ибн. Амир Темур тарихи. 1-китоб. – Б. 85.

<sup>4</sup> Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқеалари. – Б. 113-114.

<sup>5</sup> Натанзий Муъиниддин. Мунтахаб ут-таворих / Фулом Карим таржимаси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. № 3. – Б. 14-17.

уларнинг фаолиятини ижобий баҳолаб, Мавлонозодани насл насабли “...Илм таҳсили учун Самарқандга келган асли бухоролик аслзода йигит”<sup>1</sup>, деб таърифлаган. Ғ.Каримов ҳам сарбадорларни “халқ қаҳрамонлари”<sup>2</sup>, бу ҳаракатни эса, ўзбек халқининг буюк ва бой тарихидаги энг ёрқин, ифтихорли саҳифаларидан бири бўлиб қолди”<sup>3</sup>, деган фикрни илгари сурган эди.

Муиниддин Натанзий Амир Темурнинг Хоразмга қарши юришининг асл сабабини Хоразм ҳукмдорлари мактублари орқали очиб берадики, бу тадқиқотчилар томонидан шу пайтгача юриш билан боғлиқ масалаларга аниқлик киритади. Жумладан, икки орадаги муносабатларни бузилишида Хоразм амири Ҳусайн Сўфининг элчиларга қўполлик билан айтган сўзларини келтиради: “Сизнинг мамлакатингиз дорулҳарбдир ва унинг барча жойига жиҳод қилиб (бостириб кириш) жами мусулмонлар учун вожибдир. Шунга қарамасдан биз ҳужум қилмадик. Бизни Мовароуннаҳр ерларини ҳам Хоразмга қўшиб олишга мажбур этманг”<sup>4</sup>. Аммо Амир Темур яна бир бор панд-насихатлардан иборат яна бир мактуб йўллади, бунга ҳам Ҳусайн Сўфи илтифот қилмагач, Амир Темур баҳодирларни мукамал қуроллантириб Ўқуз номли дарёдан ўтгач, Ҳусайн Сўфи орқасига қайтди ва ўша куннинг ўзида ваҳима туфайли касалга чалиниб, бир ҳафтадан кейин ўлди.<sup>5</sup> Сўнг Ҳусайн Сўфининг укаси Юсуф Сўфи узр сўраб, сулҳ сўрайди. Натижада, Амир Соҳибқирон сулҳга рози бўлиб, унинг биродари Оқсўфининг қизи Хонзодани (асл исми Севинбека, онаси Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг қизи) ўғли Жаҳонгирга никоҳлайди.

Асарда Амир Темурнинг шахсий ҳислатлари, илм аҳлига бўлган ҳомийлиги ва эътибори ҳам ўзгача ёритилганки, ушбу маълумотлар бугунги кундаги тадқиқотлардаги маълумотларни янада тўлдиради.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Карим Ғ. Ватан озодлиги учун бошин дорга тикканлар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. № 3. – Б. 13-14.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. - Б. 120.

<sup>5</sup> Ўша асар. – Б. 21.

- Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган жиҳатлари билан кенг ёритилганки, ушбу нодир манбани ҳарбий тарихни ёритган муаллифлар тадқиқотларига жалб қилинмаган.<sup>1</sup> Ҳарбий атамаларни ёритишда Муиниддин Натанзий аксарият ҳолларда туркий сўзлардан кўп фойдаланганки, бу муаррихнинг йирик ҳарбий саркардаларнинг оғзаки маълумотларига таянганлигини кўрсатади. Бундай туркий ҳарбий атамаларнинг маъносини Ҳ.Дадабоевнинг атамаларга бағишланган тадқиқотидан аниқлаш мумкин<sup>2</sup>.

Асарда баҳсли жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, фанда Амир Темур туғилган жойини Ибн Арабшоҳ маълумотига кўра Кешдаги Хўжаилғор қишлоғи деб қабул қилинган, аммо Натанзий бу жойни Кешдаги Ниёзий қишлоғи деб кўрсатганини Б.Аҳмедов нотўғри эканини бошқа бирламчи манбалардан олинган далиллар орқали асослаб берган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup>Иванин М. Икки буюк саркарда.Чингизхон ва Амир Темур:ҳарбий санъати, стратегияси ва тактикаси. Михаил Иванин /Таржимон Акмал Маҳкамов. Масъул муҳаррир Юсуф Музаффар. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. - 304 б.; Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул муҳаррир А.Қаюмов. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. - 93 б.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке / Ҳ.Дадабаев, И.Насыров, Н.Хусанов. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент, 1990.; Дадабаев Х. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент, 2003.; Дадабаев Ҳ. Эски ўзбек тилида ҳарбий терминларнинг қўлланилиши (VII-XVII асрлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. № 2.

<sup>3</sup> Аҳмедов Б. Муқаддима ўрнида / Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Б. 3-4.